## Ўқинг, уқинг...

# Қутлуғ Туркон Хотун

Ўз даврида жамият ва халқ тақдирида катта хизмат қилган аёллар «Туркон Хотун» ёрлиғига сазовор бўлганлар. Энг биринчиси машҳур туркий халқлар хоқони Билга хоқон ва қултегинларнинг катта оналари — Туркий хоқонликни майдонга келтиришда катта хизмат қилган Туркон хотун эди. Ундан сўнг тарихда кўп Туркон Хотунлар ўтди.

Қадимги тарихий китобларда Ўрта Осиёда ишбилармон, уддабурро аёллар эрлар билан бир қаторда овга, жангга боргани, қабила бошлиқлари бўлгани ва давлатни бошқарганликлари ҳақида ҳикоя қилинади. Масалан, Қутлуғ Туркон ўзи ишбилармон ҳукмдор бўлиши билан бирга, қизининг ҳам шоира ва давлат арбоби бўлиб етишишига катта ҳисса қўшган эди. Қаҳрамонийлардан биринчи бўлиб ислом динини қабул қилган Қутлуғхоннинг тўрт нафар қизи бўлиб бир қизини Жалолиддин Мангубердига берди. Севинч Турконни Чиғатойга узатди. Ўғли касалманд бўлганлиги учун валиаҳдликни ақл-заковатли яна бир қизи Хон Турконда кўрди. Шунинг учун уни жияни Қутбиддинга узатиб, уни валиаҳд қилди. Бу вақтда Кермон вилояти обод бўлди, халқ фаровон яшади.

Тарихчиларнинг айтишича, Қутбиддин ҳукмронлигининг муваффақияти унинг доно хотини — Қутлуғ Туркон туфайли эди. Қутбиддин вафотидан кейин вилоят оқсоқоллари мўғул хоқонлари Мунке ва Ҳулогухонларга элчи жўнатиб, Кермон ўлкасини Қутлуғ Туркон идора қилишини сўрайдилар.

Қутлуғ Туркон Хотун доно ва тадбиркорлигидан халқнинг севгисини қозонди, 1257-1282 йилларда ҳукмронлик қилди. Мамлакатни адолат билан бошқариб, қуруқликдаги ва сувдаги савдо йўлларини кенгайтирди, мадрасалар, масжидлар қурдирди.

Илм-маърифат аҳлларига яхши шароит яратди. Шунинг учун ҳам тарихчи ва адабиётшунослар: Мунши Насириддин, Рашидиддин, Жувайний, Мирхонд, Ҳамидулло Қазвиний, Шамсутдин Сомийлар Қутлуғ Туркон Хотун ҳукмронлиги даврини «Қутлуғхонлар салтанатининг энг яхши баҳори эди ёки Қутлуғхонлар салтанатининг олтин даври» деб атайдилар. Қутлуғ Туркон Хотун болаларининг ҳам етук одамлар бўлиб етишувига яхши шароит яратди. Ўгай ўғли Ҳажжож катта бўлгач, мамлакатни бирга идора қилдилар. Сиёсатда Қутлуғ Туркон Хотун, жангу жадалларда Ҳажжож бош эди. Лекин ўғил ичкиликка берилган, ҳатто бир зиёфатда, мастлик билан ўгай онасини ўйинга тушсин, деб буйруқ беради. Бу таклиф унга ҳақорат туюлса-да, лекин ўта мастликда айтилган гапга қулоқ солмаса, жанжал бўлиши мумкинлигини билиб қўлини кўтариб, ўйнагандай бўлиб, дарров жойига ўтиради.

### Биласизми?

Қутлуғ Туркон Хотуннинг иккинчи ўгай ўғли Суюрғатмиш ҳам ўгай онаси билан бирга мамлакатни бошқариб турди. Бироқ ўғил ўзи мустақил хон бўлишни хоҳлар, уни онаси ва хотини йўлга солар эди. Бу гап ҳоқон Абакахоннинг қулоғига бориб етди. У буйруқ бериб, ўлкани Қутлуғ Туркон Хотуннинг ўзи идора қилсин, деди. Абакахон вафот этиб, ўрнига Аҳмад Тагидёр илк хон бўлди. Суюрғатмиш ундан рухсат олиб, давлатни Қутлуғ Туркон Хотун билан Суюрғатмиш бирга идора қилсин, деган мазмундаги буйруқни олиб келаётиб, йўлда бева қизи саройига иккинчи қизи билан келаётган Қутлуғ Туркон Хотунни учратди. Суюрғатмиш қўполлик билан Қутлуғ Туркон Хотунга ёрлиғни кўрсатиб, бирга келаётган бекларга: «Ким мен билан бирга бўлса, орқага қайтсин!» деб буюрди. Бекларнинг ярми Суюрғатмиш билан, ярми Қутлуғ Туркон Хотун билан кетдилар. Она бу воқеадан хафа бўлди ва қизининг саройида бир йил қолиб кетди. 1282 йили Табриз орқали уйга қайтаётганда, йўлда касал бўлиб вафот этади. Бундан хабар топган қизлари ва беклар унинг жасадини Кермонга олиб келиб, ўзи қурдирган чиройли мадрасанинг ҳовлисига қўмадилар. Бу вилоятнинг халқлари катта қайғу билан аза тутадилар.

**Ғолима МУСИНА, профессор.**

# СОҲИБТУРОНИМ

*Замину замоннинг инояти бу,*
*Яратганнинг улуғ ҳидояти бу,*
*Халқим тақдирининг саодати бу,*
*Йўлбошчим, ишончим — Соҳибтуроним,*
*Истиқболли юртим — Ўзбекистоним!*

*Оқибат безайди миллатни ахир,*
*Тинчлиг-у оройиш бор жойда — меҳр,*
*Ўтган буюкларни айлайди қадр,*
*Йўлбошчим, ишончим — Соҳибтуроним,*
*Истиқболли юртим — Ўзбекистоним!*

*Соҳибқиронимнинг шижоати бор,*
*Қиличмас, қўлида саховати бор,*
*Эл-у элатларга адолати бор,*
*Йўлбошчим, ишончим — Соҳибтуроним,*
*Истиқболли юртим — Ўзбекистоним!*

*Элимнинг дилида дуодир абад,*
*Сақлагувчи ёлғиз Худодир абад,*
*Кўнглимнинг тубидан нидодир абад:*
*Йўлбошчим, ишончим — Соҳибтуроним!*
*Истиқболли юртим — Ўзбекистоним!*

**Усмонжон ДАВЛАТОВ, нефтчи.**



— Бўрими, тулки, янгажон?..

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

### ҲИКМАТ

**Шабнамдек мақтаниб, бўлма тутуруқсиз,**
**Ҳавога учади, бе наф қуруқ сўз.**

# ХАЗИНА КАЛИТИ

*Оила даромади*

Халқимизда ҳар бир мусулмон уйида 7 та товуқ бўлса, у барака келтиради, деган гап бор. Агар хонадонда 20 та товуқ бўлса-чи? Ўрта ҳисобда кунига 10 та тухум қўяди. Бозорда тухумнинг баҳоси 35-40 сўм. Демак, оилага кунига 350 сўм даромад келтиради. Бу ўша уйдаги ишсиз учун 10 минг сўмдан кўпроқ ойлик дегани.

Бундан ташқари, 20 товуқдан ҳар йили кам деганда 10 таси курк бўлади. Яна 100 та жўжа қўшилади. Имконият бўлса боқилади, йўқса сотилади. Гўшти истеъмол қилинади.

— Ҳовлимиз бурчагидаги катакда 50 та товуқ боқамиз, — дейди Навбаҳор туманидаги Арабсарой қишлоғида яшовчи Фазолат Исоқова, — унинг ўзи бизга ойига 25 минг сўм даромад келтиради. Алоҳида товуқбоқар шарт эмас. Болалар учун севимли машғулот. Ҳар хил пўчоқларни тўғраб берамиз, ўт-ўланлардан юлиб ташлаймиз. Рўзғорда ишлатиладиган озиқ-овқатларнинг кераксизи шу товуқларники. Кунига икки марта сайрга чиқарамиз, холос.

«Оқолтин» қишлоғида яшовчи Насиба опадан кўпчилик товуқ сотиб олишни хуш кўради. Сабаби, хонадон соҳибаси етиштирган хонаки товуқлар соғлом, кўп тухум туғади дейишади. Насиба опа жўжа очириб, парваришлаб қўни-қўшниларнигина эмас, теварақдаги қишлоқларни ҳам таъминлайди. Кунига бозорга бир челак тухум чиқаради. Оиласида доимо тўкчилик. Мана-ман деган маошхўрдан кўпроқ сармоя топади.

Нуроталик муаллима Ўлмасой Ҳақбердиеванинг фикрича, пул топишнинг осон йўли-ҳовлида парранда сақлаш. Айниқса, балоғатга етиб, ўқиш ва ишга киришга улгурмаган қизлар учун бу жуда қулай. Хазина калитини қўлга киритадиган ҳунар. Янги рўзғорда ҳам кўп асқотадиган ҳунар. Агар ҳафсала билан 50 та товуқ боқилса, у йилига 200-250 минг сўм даромад келтиради.

Хуллас, товуқ боқиб рўзғорига қут-барака киритаётганлар оз эмас. Парранда зарар келтиради, деганлар адашади. У етти хазинанинг бири. Ота-боболаримиз бу ҳикматни билиб айтишган. Имкониятингиз бўлса, товуқ боқинг.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.


## «Термиз» нимани англатади?

Сурхондарё вилоятининг маркази Термиз шаҳрининг тарихини биласизми? Бу ҳақдаги илк маълумотларни қадимги эрон, юнон, араб манбаларини Ўрта осиёлик олимларнинг асарларида учратасиз.

Грек-македонлар Ўрта Осиёга бостириб келганларига қадар шаҳар «Тарамата» номи билан аталган. Александр Македонский Термизни босиб олгач, «Александрия» дея атала бошланди. Эрамиздан олдинги II асрнинг биринчи ярмига оид манбаларда эса «Деметриус», «Евкратидия» номлари қайд қилинган.

IX-X асрларда «Шаҳри Сомоний» кўп ўтмасдан «Термиз» деб атала бошлангани тўғрисида маълумотлар бор. Маъносига келсак: «Термиз» дарёнинг нариги қирғоғидаги шаҳар», эканлигини билдиради.

Археологик текширишларга қараганда, ўша даврларда у ҳозирги жойидан қарийб 9 километр шимоли-ғарбда, Амударё қирғоғида жойлашган экан.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

# Бемаврид ажалга ажал йўқ

### Инсон ёди азиз

Умр ўткинчи, Дунё бевафо. Қувонч ва шодликларга тўла бу ёруғ оламда фақат Ватан ягона. Ватан абадий. Юрт, манзилу маскан абадий. Унга умрбоқийлик бахш этгувчи меҳру муҳаббат, номису орият абадий. Зеро, Ватанни буюк, инсонни сарафроз этгувчи ҳам айни шу туйғулардир.

Қашқадарёда Деҳқонобод аталмиш бир манзил бор. Унинг ориятли, номусли эли каби осмон ўпган тоғлари, зилол булоқлари бор. Мабодо йўлингиз тушиб бу манзилдан ўтсангиз, бахши отанинг сеҳрли қўлларида ёниб сайраётган дўмбиранинг сирли садолари сизни мафтун этади. Тинглайсиз, жон қулоғингиз билан тинглайсиз. Бутун вужудингиз қулоққа айланади гўё. Сўнгра, аввал ўзингиз туйған-туймаган эзгу туйғуларни кўнгилга жо айлаб Ватан деб, элу юрт деб ёниб куйиб яшамоққа чоғланасиз... Ҳа, Деҳқонободнинг ана шундай созлари, овозлари бор.

Шоир Ҳусан Эшмуроднинг ҳам ўзига хос овози, ўзига хос сози бор эди. У Тошкентдаги ҳозирги Жаҳон тиллари университетида таҳсил олгач, ўрта мактабда ўқитувчи, сўнгра туман газетасида муҳаррирлик қилди. Бироқ, ёшликдан ошно тутинган сирли хилқат—ижод оламидан бир зум бўлса-да, йироқ кета олмади. Шеърлари республика, вилоят ва туман вақтли матбуотида тез-тез босилиб турди. Илк шеърий тўплами 1991 йили "Қўнғиротнинг қўшиғи" номи билан нашр этилди. 1994 йилда иккинчи китоби "Олтин бешигим" дея номланган бадиий-тарихий қиссаси босмадан чиқди. Бу шоирнинг ўз юрти тарихини билмоққа, ўрганмоққа бўлган чексиз интилишлари самараси эди. Бинобарин, Ҳусан Эшмуроднинг ўзига ҳам шу юрт, шу халқ чексиз илҳом бахш этарди. У кўкка бўй чўзган мағрур қояларни, шу қоялар мисол жиндек мағрур, жиндек чапани, лекин содда-самимий халқини севарди. Севиб, севиб куйларди. Шу боис унинг шеърларида эл-юртга муҳаббат ҳисси, миллий анъаналаримизга садоқат руҳи устувор:

**Қояни қорачиқ**
**демасман, лекин,**
**Қоядай элим бор,**
**шулдир суянчим.**
**О сўлим Ватаним,**
**гўзал қўшиғим,**
**Сен она юртимсан — Олтин**
**бешигим.**

Шоир ўзи топган, ўзигагина хос ажиб тимсоллари орқали элнинг урф-одатлари, яшаш тарзини, лўнда қилиб айтганда, халқнинг ўзлигини ўзгача меҳр билан қаламга олади. Бахшиёна оҳангларнинг илҳомлари натижасида гўзал шеърлар туғилади:

**Тоғларга тикилиб**
**тўйгим келади,**
**Кўксига бошимни**
**қўйгим келади,**
**Мен ҳар гал меҳрга**
**дард қолганимда,**
**Ўғлимни отам деб**
**суйгим келади.**

Унинг шеърларида юртини, элини, Қўнғирот орқали бутун ўзбекни куйлаган шоирнинг ёркин сийрати намоён бўлади. Минг афсуски, бевақт ўлим шоирни энг авж пардаларда куйлаётган бир вақтда тилдан қолдирди. Дарвоқе, шоир бу ҳақда шундай ёзган эди:

**Бугун мен қўшиққа айландим,**
**Афсуски, айтмоққа мажол йўқ.**
**Ўйландим, мен роса ўйландим,**
**Бемаврид ажалга ажал йўқ.**

Ажабки, ўлим ҳақида шу сатрларни ёзган шоир ўзининг шеърий тўпламига "Етим қолаётган шеър" дея ном қўйган эди. Тақдирнинг аччиқ қисматини қарангки, чиндан-да шеър етим қолди. Шоирдан мерос бўлиб яхши ном, эзгу ишлар, қобил фарзандлар қолди. Бу яхши ном ҳали узоқ яшайди Деҳқонобод қалбида, минглаб кўнгилларда эзгу хотира бўлиб яшайди. Зотан, дарёдай тошиб, барчанинг кемтикларини тўлдириб яшаган Ҳусан Эшмуроддай ажойиб инсоннинг оташин шоир бўлиб кўнгилларда яшамоғи тақдирнинг инояти.

**Музаффар НОРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### ЖУМБОҚ



*Олмали пирогнинг бир бўлаги кесилганлигини кўриб онам ҳайрон бўлдилар. Ўша бўлак қаерда, уни топишга ёрдам беринг.*

**Кечаги жумбоқнинг жавоби:** Қизалоқ кичкина бўлгани боис лифтнинг 9-қават тугмасига бўйи етмайди. У 6-қаватгача лифтда кўтарилиб, кейин уйга ўзи чиқади.

Бу ҳақда самарқандлик Мансур Сиддиқов, жиззахлик Эркин Мирсолиев ва тошкентлик Равшан Латиповлар таҳририятга қўнғироқ қилишди.


Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2515, 26098 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.



МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.



Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.30*
1 2 3 4 5 6



*Биринчи даражали*

МЕБЕЛЬ «MAKSIMA» САЛОНИ

*Бевосита Италия ва Польша туркум мебеллар тўплами.*
*Каталоглар асосида буюртмалар қабул қилинади.*
*Элтиб бериш ва йиғиш — бепул.*
*Манзилимиз: Фурқат кўчаси, 5. «MAKSIMA» мебель салони.*
*Тел. (371) 144-27-15.*
Навоий кўч. Халқлар дўстлиги кўчаси. Цирк. МЕБЕЛЬ салони. "Ўзбексавдо" янги савдо растлари
*Товар сертификатлаштирилган*
«SITASH»нинг информацион ёрдами. Тел. 120-09-09
4292

«VDO KIENZLE» ФИРМАСИНИНГ
Ўзбекистондаги расмий вакили
«TEST-AVTO» МЧЖ
(Ўздавстандартнинг 2001 йил 20 апрелдаги 0226 рақамли рўйхат гувоҳномаси)
ТАХОГРАФЛАРГА
сервис хизмати кўрсатади
(ўрнатиш, созлаш, таъмирлаш, пломбалаш),
шунингдек барча керакли бўлган ҳужжатларни тақдим этади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Худойқулов кўчаси, 4-уй.
Тел.: (3712) 180-83-99, 182-60-38.
4371

*Ҳурматли сармоядорлар!*
«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»
акцияларининг янги 3000 млн. сўмлик
IV-эмиссия рисоласи
2001 йил 11 июнда Р0007-4 сон билан
*рўйхатдан ўтказилганлиги муносабати билан банк сизга 1500 сўмлик номинал қийматга эга бўлган оддий ва имтиёзли акцияларни таклиф қилади.*
*Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ҳар чоракда 10% миқдорида тўлаб борилади.*
*2000 йил натижаларига кўра ҳар бир акцияга дивиденд тўлови 50% ни ташкил этди.*
*Акцияларни сотиб олиш ва расмийлаштириш тартиби ғоят осон, бу борадаги харажатларни эса банк ўз зиммасига олади.*
*Акция сотиб олиш учун банкнинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин.*

«Ўзсаноатқурилишбанк»
сизга қуйидаги хизмат турларини таклиф қилади:
- *давлат қисқа муддатли облигациялар бозорида дилерлик хизмати;*
- *корпоратив қимматли қоғозлар бозорида брокерлик хизмати;*
- *корпоратив қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказиш хизмати;*
- *қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига маслаҳат бериш хизмати.*

4384

Оромгоҳлар, соғломлаштириш лагерлари, шифохоналар, ётоқхоналар раҳбарлари диққатига!
*Кенг ассортиментда, ишлаб чиқарувчи омборхонасидан*
ЧОЙШАБЛАР
*бир ётоқли*
чойшаб 203 х 120 ва 203 х 130;
кўрпа жилди 215 х 143;
ёстиқ жилди 50 х 50 ва 60 х 60.
*икки ётоқли*
чойшаб 214 х 130;
кўрпа жилди 215 х 153;
ёстиқ жилди 60 х 60.
*шунингдек:*
сочиқлар 85 х 50,
буюртмангизга кўра махсус иш кийимлари
*таклиф этилади.*
*Тўловлар — пул ўтказиш йўли билан.*
Тел.: 191-47-41, 191-80-94, факс 191-74-63.
4207


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раҳбарияти ва Олий Мажлис котибияти жамоаси умумий бўлим ходими Дилафрўз Қўшоқовага отаси

**Йўлдош ХЎЖАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат юридик институти ректорати ва жамоаси институтнинг фахрий ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди, доцент

**Рустам РАҲИМБЕКОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.